

Саҳарликка туриш, умуман саҳарлик одоблари қандай?



02:33 / 22.04.2021 1971

Рўза тутиш учун саҳарликка туриш мустаҳаб амал эканлигига бутун уммат ижмоъ қилган. Уни тарк қилган гуноҳкор бўлиб қолмайди, албатта.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Анас розияллоҳу анҳудан қилган ривоятларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деб марҳамат қилганлар:

«كرب روحسلا ن اف اورحست»

«Саҳарлик қилинглари! Зеро, шак йўқки, саҳарлик баракадир!».

Миқдом ибн Маъдикараба розияллоҳу анҳу ривоятида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу саҳарликни ўзингизга лозим тутинглари! Зеро, бу муборак озиқдир», дедилар.

Имом Насоий ривоят қилган.

Бараканинг сабаби рўзадор қувватли бўлади, хурсанд бўлади, рўза тутиши осон бўлади. Боз устига, охирадаги савоби ҳам бор.

Шунинг учун саҳарлик қилиш керак. У озгина таом, гарчи бир қултум сув бўлса ҳам кифоя қилади.

Имом Аҳмад Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилганлар:

**هَلَلْنَا فَمَا عَرَجَ مَكَدِحًا عَرَجِي نَا وَلَوْ هُوَ عَدْتُ الْفِةَ كَرَبٍ رَوْحِ سَلَا
نِي رَحْمَتِ مَلَا يَلْعَعُ نَوْلِ صِي هَتَكَيْتِ الْمَو**

«Саҳарлик баракадир. Шунинг учун, ҳеч бирингиз уни бир қултум сув ичиб бўлса ҳам тарк қилманглар. Зеро, Аллоҳ таоло ва унинг фаришталари саҳарлик қилувчиларга саловот айтурлар».

Саҳарлик қилишнинг вақти тун ярмидан бошлаб то тонг отгунгачадир. Лекин, кечиктириб саҳарлик қилиш авлодир. Яъни, тонг отишидан сал олдин саҳарлик тугатилиши яхшироқ.

Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу айтадилар: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга саҳарлик қилар эдик. Сўнг намозга турар эдик. «Икковининг ораси қанча вақт эди?» – деб сўралди.

У: «Эллик оят ўқиш миқдорича эди», деди.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Тобеинлардан Амр ибн Маймунадан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоблари одамлар ичида ифторга энг шошадигани, саҳарликни энг кечиктирадигани бўлган эканлар.

Имом Байҳақий ривоят қилган.

Аммо, шуни билмоқ керакки, саҳарликни кечиктирганда, агар тонг отиб кетди, деган гумон бўладиган бўлса, унда еб-ичиб ўтириш макруҳ бўлади. Тонг отгани аниқ бўлганда ейиш эса, рўзани бузади.